


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2018 йилнинг январь-июнида 1 265 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизга кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (жами ташкил этилган субъектларнинг 29,9 фоизи), саноат тармоғида (21,0 фоиз), савдо соҳаси (18,1 фоиз) ва қурилишда (11,6 фоиз) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 618,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 50,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 139,5 фоизни ташкил қилди;

– 688,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 98,3 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 118,8 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 846,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 60,8 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 111,1 фоизни ташкил қилди;

– 988,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар ҳажмининг 70,0 фоизи), 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 102,8 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,0 фоизи ёки 2 013,0 млрд. сўми (ўсиш суръати 104,8 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

31,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 93,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 81,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 93,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 98,6 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 98,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 102,6 фоизи) кўпайиши таъминланди;

2018 йилнинг январь-июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 73,5 фоизни, саноатда – 60,8 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,9 фоизни, қурилишда – 98,3 фоизни, экспортда – 93,4 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

